

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ЭШОНОВ МУБАШШИРХОН АБДУРАШИДОВИЧ

***HAPLOPHYLLUM ACUTIFOLIUM* VA *HAPLOPHYLLUM
PEDICELLATUM* ЎСИМЛИКЛАРИ АЛКАЛОИДЛАРИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эшонов Мубашширхон Абдурашидович

Haplophyllum acutifolium ва *Haplophyllum pedicellatum*
ўсимликлари алкалоидлари..... 3

Эшонов Мубашширхон Абдурашидович

Алкалоиды растений *Haplophyllum acutifolium* и *Haplophyllum*
pedicellatum..... 21

Eshonov Mubashshirxon Abdurashidovich

Alkaloids of plants *Haplophyllum acutifolium* and *Haplophyllum*
pedicellatum..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ЭШОНОВ МУБАШШИРХОН АБДУРАШИДОВИЧ

***НАРЛОПНУЛЛУМ АСУТИФОЛИУМ ВА НАРЛОПНУЛЛУМ
РЕДИСЕЛЛАТУМ* ЎСИМЛИКЛАРИ АЛКАЛОИДЛАРИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/К263 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzicps.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Расулова Халида Абдулхаевна
кимё фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Гафуров Махмуджон Бакиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020. К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail plant_inst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш. Ш. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д, проф.

Н.К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н.

Э.Х. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ўсимликлардан юқори физиологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва фармакологик фаоллигини аниқлаш, шунингдек, уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Қадимда, табобатда ҳам таркибида алкалоидлар сақлаган ўсимликлар алоҳида ўрин тутган. Замонавий тиббиётда ўсимликлардан олинadиган табиий дори воситаларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши, уларнинг организмга салбий таъсири кам эканлигини кўрсатади. Шунинг учун, маҳаллий ўсимликлар таркибидаги физиологик фаол хинолин алкалоидларни физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ва улар асосида турли касалликларни олдини олувчи, даволовчи ҳамда заҳарлилиги кам бўлган дори воситаларини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Дунё микёсида турли хил касалликларни даволашда хинолин тузилишидаги алкалоидлар асосидаги мефлохин, плаквенил, гидроксихлорохин, немозол, пирантел, иммард, цилостазол, гатифлоксацин, ципрофлоксацин, лемефлоксацин, бозулиф, хлорохин, нуперкаинал, проктол, проктоседил каби савдо белгиси билан яратилган дори воситалари қўлланилиб келинмоқда. Бу эса хинолин алкалоидларига бўлган қизиқишнинг ортиши, таркибида хинолин алкалоидлари сақловчи ўсимлик турларини излаб топиш ва уларнинг кимёвий таркибини ўрганишни тақозо этади. Ана шундай ўсимлик турига *Haplophyllum* туркумини мисол қилишимиз мумкин. Ўрта Осиёда ўсувчи *Rutaceae* оиласига мансуб *Haplophyllum A. Juss* (маҳаллий номи тошбақатол) ўсимликлар туркуми, жумладан: *Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимлик турлари ўсиш жойига кўра таркибида фармакологик фаолликларга, турли хил тузилишга эга бўлган хинолин алкалоидларига бой эканлиги ва улар кам ўрганилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида импорт ўрнини босувчи дори воситаларини яратиш, аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан алкалоидлар асосида “Аллапинин”, “Галантамин”, “Цитизин” каби дори воситалари тиббиёт амалиётига жорий қилинган. Ҳозирги вақтда хинолин алкалоиди асосида янги “Скиммианин” дори воситаси олиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларини ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»¹ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борадаги вазифаларни бажаришда, биологик фаол бирикмаларни ажратиш, кимёвий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

таркибини аниқлаш ҳамда улар асосида дори воситаларини ишлаб чиқиш соҳасидаги ишларни янада жадаллаштириш, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан янги самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ҳамда, 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология», VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда *Haplophyllum* туркумига мансуб ўсимликларининг 70 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, улардан 23 та тури Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, 7 таси Кавказда, биттадан тури Европа ва Сибирда, 16 та тури Ўзбекистонда ўсади. Ҳозирги кунда бир қатор хорижлик олимлар Р. Parhoodeh, М. Rahmani, N. Mohd, Н. Mohd, Н.Н. Hafez, S.A. Al-Hussain ва бошқалар томонидан фитокимёвий илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Haplophyllum туркуми ўсимликларини фитокимёвий ўрганиш бўйича тадқиқотлар ЎЗР ФА УМКИ академик С.Ю. Юнусов бошчилигида Г.П. Сидякин, И.А. Бессонова ва унинг шогирдлари: Д.М. Разакова, Е.Ф. Несмелова, В.И. Ахмеджанова, Х.А. Расуловлар томонидан олиб борилган.

Rutaceae оиласи вакиллариининг баъзи турлари республикамызда кенг тарқалган бўлиб, саноат миқёсида қайта ишлаш учун ҳам хом ашё базаси етарлидир. *Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicellatum* шундай ўсимликлардан бўлиб, Ўзбекистон флорасида кенг тарқалган, лекин кимёвий жиҳатдан унинг фитокимёвий таркиби тўлиқ ўрганилмаганлиги, бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ўсимликлар таркибидан янги ва самарали биологик фаол бирикмаларни ажратиш олиш муҳимлиги ушбу мавзунини танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси акад. С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг № ФА-Т-7-005 рақамли “Ўзбекистоннинг алкалоид сақловчи ўсимликларини тадқиқотлари асосида биологик фаол субстанциялар яратишнинг фундаментал асослари” (2017-2020 йй) ва Ўзбекистон-Россия халқаро гранти MRU-FA-21/2017 рақамли “Таркибида аллен ҳамда урацил

фрагментларини сақловчи, шишларга қарши таъсир этувчи табиий бирикмаларнинг синтези ва механизмлари” (2018-2019 йй) мавзусидаги фундаментал ҳамда амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимликларининг таркибидаги хинолин алкалоидларини ажратиб олиш, скиммианин асосида хинолин ҳосилаларини синтез қилиш, янги алкалоидларнинг тузилишини физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботлаш ва биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Haplophyllum acutifolium ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимликларини ер устки қисми ҳамда илдизларини экстракция қилиш;

алкалоидлар йиғиндисини колонкали хроматография усулида бўлиш ва соф ҳолдаги алкалоидларни ажратиб олиш;

маълум тузилишли моддаларни гувоҳ алкалоидлар билан таққослаш ва янги алкалоидларнинг тузилишини физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботлаш;

ўсимликлар таркибида кўп миқдорда учрайдиган скиммианин алкалоиди асосида модификация тадқиқотларини олиб бориш;

синтез қилиб олинган моддаларнинг тузилишини физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботлаш;

ажратиб олинган алкалоидларнинг фармакологик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Haplophyllum acutifolium*, *Haplophyllum pedicellatum* ўсимликлари, шунингдек, скиммианин алкалоиди ҳамда унинг янги синтез қилинган ҳосилалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети *Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимликларидан ажратиб олинган хинолин алкалоидлари, скиммианин ҳосилалари, уларнинг кимёвий тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида органик (синтез, модификация) ва биоорганик кимё (экстракция) усуллари, хроматографик (колонкали (КХ) ва юпқа қатламли (ЮҚХ)), физик-тадқиқот (УБ-, ИҚ-, ¹H, ¹³C ЯМР спектроскопия (HSQC, HMBC)), рентген тузилиш таҳлили (РТТ) ҳамда биологик тадқиқот усулларида фойдаланилди. Биологик фаолликни дастлабки баҳолашда PASS дастури қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда ўсувчи *Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимлик турларидан 4 та янги хинолин-2-он алкалоидлари – педицин, акутинин, акузин, педилинин ажратиб олинган, уларнинг кимёвий ва фазовий тузилиши замонавий физик-тадқиқот усуллари ёрдамида исботланган;

биринчи марта *Haplophyllum acutifolium* ўсимлигидан 11 та ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимлигидан 2 та хинолин гуруҳи алкалоидлари индивидуал ҳолда ажратиб олинган;

кўп ёқлама реакцион қобилятли 3-формил-4,7,8-триметоксихинолин-2-оннинг гомовератриламин билан реакцияси реагентларнинг ўзаро нисбатига боғлиқ ҳолда икки йўналишда - 4-метокси гуруҳнинг нуклеофил *инсо-*

алмашиниш маҳсулоти ёки ҳар икки реакцион марказда (4-метокси, 3-формил) кетиши натижасида азометин фрагменти сақлаган гибрид аминобирикма ҳосил бўлиши аниқланган;

илк маротаба РТТ усули ёрдамида 4-(3,4-диметоксифенилэтиламин)-7,8-диметокси-хинолин-2-он, педицин ва N-метил-2-фенилхинолин-4-он алкалоидларининг фазовий тузилиши тасдиқланган;

эркин альдегид гуруҳли нуклеофил *inco*-алмашиниши маҳсулоти кислотали шароитда аминометиллаш (Манних) реакциясига киришмаслиги ҳамда кутилмаган деформилланиш жараёни содир бўлиши аниқланган ва реакция механизми тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Naplophyllum acutifolium ва *Naplophyllum pedicellatum* ўсимлик турларидан 26 та хинолин алкалоидларини индивидуал ажратиш олишнинг мақбул усуллари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

скиммианин алкалоидини калий перманганат таъсирида оксидланишидан органик синтезда муҳим синтон вазифасини бажарувчи гетероциклик альдегид – скиммианаль (3-формил-4,7,8-триметоксихинолин-2-он) олишнинг такомиллашган усули яратилган;

илк бор скиммианин алкалоиди асосида 3 та янги хинолин ҳосилаларини мақсадли синтез усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор гомовератриламиннинг 3-формил-4,7,8-триметоксихинолин-2-он билан реакцияси турли шароитларда олиб борилган, маҳсулот турига ҳамда унумига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган ва нуклеофил *inco*-алмашиниш маҳсулоти ёки азометин фрагментли гибрид аминобирикма синтез қилишнинг самарали усуллари таклиф этилган;

Naplophyllum acutifolium ўсимлигининг спиртли экстракти, янги педицин, акутинин, акузин алкалоидларининг цитотоксик ва бактерияларга қарши фаолликларни намоён этиши ҳамда кам заҳарли эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ажратиш олинган моддаларни тадқиқ қилишда натижаларининг ишончлилиги замонавий физик тадқиқот усулларида УВ-, ИҚ-, ¹H, ¹³C ЯМР спектроскопия, масс-спектрометрия, РТТ, хроматографик (ЮҚХ) ва эталон моддалар билан таққослаш усулларида фойдаланилганлиги, ҳамда тадқиқот натижаларининг халқаро илмий анжуманларда муҳокамаси ва чуқур тақриз қилинадиган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биринчи марта Ўзбекистон Республикасида ўсувчи *Naplophyllum acutifolium*, *Naplophyllum pedicellatum* ўсимликларининг таркиби ўрганилиб, илк бор улардан табиий хинолин-2-он тузилишдаги 4 та янги ва шу ўсимликлардан биринчи марта 13 та индивидуал ҳолдаги алкалоидларнинг ажратиш олиниши, ўсимликларнинг кимёвий таркиби ҳамда скиммианин асосида олинган янги ҳосилаларининг физик-кимёвий хоссаларининг таснифланганлиги, реакцияларнинг бориш механизмининг таклиф қилинганлиги ҳақидаги янги маълумотлар билан бойитишга қўшилган ҳиссаси билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, *Naplophyllum*

acutifolium ўсимлигининг спиртли экстракти ва улардан ажратиб олинган хинолин-2-он тузилишдаги педицин, акутинин, акузин алкалоидларининг *in vitro* усулида микробга қарши фаоллиги баъзи *грам*-мусбат, *грам*-манфий бактериялар ва замбуруғларда текшириб кўрилганда улар бактерияларга қарши фаолликни кўрсатган. Педицин, акутинин, акузин алкалоидларининг цитотоксик фаоллиги 2 хил турдаги HeLa, HEp саратон ҳамда соғлом - фибробласт хужайраларида текширилганда акузин ва педицин бирикмалари саратон хужайраларининг ўсишини тўхтатиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимликларидан хинолин алкалоидларини ажратиш, кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Haplophyllum acutifolium ўсимлигидан ажратиб олинган педицин ва N-метил-2-фенилхинолин-4-он алкалоидларидан ВА-ФА-Ф-6-010 рақамли “Табиий бирикмаларда гетероатомлар: молекулалараро таъсирлашув, рецепторли таниб олиш, фармакофорлар” мавзусидаги илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 16 февралдаги 4/1255-469-сон маълумотномаси). Натижада моддаларнинг тузилиши, табиати, рентген тузилиш таҳлили ёрдамида олинган молекулалараро ўзаро таъсир ва таҳлил маълумотларидан соҳа олимларини фойдаланишига имкон яратилган;

N-Метил-2-фенилхинолин-4-он (1), педицин (19) ва 4-(3,4-диметоксифенилэтиламин)-7,8-диметоксихинолин-2-онни (6) тузилишини исботлаш учун РТТ амалга оширилган ҳамда натижалар Англиядаги Халқаро Кембридж маълумотлар базасига (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/structures>, CCDC: (1) 1983753, (19) 1983754, (6) 027005) киритилган. Натижада базага киритилган янги маълумотлар хинолин ҳосилаларининг фазовий тузилишларини таққослаб аниқлаш имкониятини беради;

Haplophyllum acutifolium ўсимлигидан маълум ҳамда янги хинолин алкалоидларни ажратиб олиш ва уларни кимёвий тузилишини аниқлаш бўйича “Chemistry of Natural Compounds” нашрида 4 та илмий мақолалар чоп этилган бўлиб, мазкур илмий мақолалардан Россиянинг Ханта-Манск автоном округи – Югра Олий таълим бюджет муассасаси Сургут Давлат Университети кимё кафедраси “Биоорганик кимё” йўналиши 04.06.01. Кимё фани бўйича аспирантлар учун диссертацияларни тайёрлаш, магистратура талабаларини ўқитиш, диплом ва курс ишларини ёзиш учун маълумотлардан фойдаланилган (Сургут давлат Университетининг 2021 йил 6 декабрдаги № 03-01/246-сон маълумотномаси). Натижада “Биоорганик кимё” йўналишида магистрант талабаларнинг диссертация ёзишлари учун маълумотлар олишга имкон яратилган;

диссертация ишининг тадқиқот объекти бўлган *Haplophyllum acutifolium* ўсимлигидан ажратиб олинган экстракт ва индивидуал моддалардан ВА-ФА-Ф-6-009 “Табиий бирикмалар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг цитотоксик, антибактериал, замбуруғларга қарши ва антиоксидант фаоллигини ўрганиш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 29 октябрдаги

4/1255-2988-сон маълумотномаси). Натижада *Haplophyllum acutifolium* ўсимлигидан ажратиб олинган спиртли экстракт *грам*-мусбат бактерия штаммига (*Bacillus subtilis* ва *Staphylococcus aureus*) нисбатан қарши фаоллик намоён этиши аниқланган ва келажакда тиббиётда заҳарлилиги кам бўлган дори воситаларини яратиш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 5 та Халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола ва тезислар нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан 4 хорижий ва 1 та республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш ҳамда учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Хинолин алкалоидлари" деб номланган **биринчи бобида** ўсимликлардан хинолин, айниқса хинолин-2-он алкалоидларини ажратиб олиш, уларнинг хоссалари, кимёвий тузилиши ва модификацияси ҳамда биологик фаолликлари бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг "*Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимликларининг алкалоидлари" деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқот натижалари тақдим этилган ва муҳокама қилинган. *Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимликларини экстракция қилиш, хинолин алкалоидларини ажратиб олиш, уларнинг тузилишларини ИҚ-, УБ-, ¹H, ¹³C ЯМР, масс-спектрлари ҳамда РТТ ёрдамида олинган натижалари таҳлил қилинган.

***Haplophyllum acutifolium* ўсимлигининг хинолин алкалоидлари**

Ўсимликнинг таркибини кимёвий ўрганиб, фракцияларни бўлиш натижасида маълум бўлган алкалоидлар: N-метил-2-фенилхинолин-4-он (1), γ-фагарин (хаплофин) (2), хаплопин (3), хаплофилидин (4), скиммианин (5), флиндерсин (6), хапламин (7), эвоксин (8), хаплатин (9), дубинидин (10), перфамин (11), гликоперин (12) диктамнин (13), изодиктамнин (14), платидесмин


(15), хаплофолин (16), хаплобухарин (17) ва янги асослар - педицин, акутинин, акузин алкалоидлари ва стероид β -ситостерин ажратиб олинган. Ажратиб олинган маълум алкалоидлар суяқланиш ҳарорати, юпқа қатламли хроматография, спектроскопик усуллар ёрдамида таққослаш йўли билан идентификация қилинган. Натижада *Haplophyllum acutifolium* ўсимлигидан биринчи мартаба N-метил-2-фенилхинолин-4-он (1), γ -фагарин (хаплофин) (2), хаплопин (3), хаплофилидин (4), флиндерсин (6), хаплатин (9), гликоперин (12), диктамнин (13), хаплофолин (16), хаплобухарин (17), флиндерсин (6) алкалоидлари ажратиб олинган.

Янги акутинин алкалоидининг тузилиши

Акутинин (20) оқ рангли майда кристалл модда, суяқ.хар. 290-293°C (ацетон), $C_{11}H_9NO_4$, ESI – MS m/z 218 (M-H)⁻. УБ-спектрда 20 нинг ютилиш максимумлари 2-хинолон ҳосилаларниқига яқин ўхшашликка эга, ишқор қўшилганда гипсохромли жой алмашиш содир бўлади. λ_{max} (EtOH, нм): 221, 229, 239 елка, 266, 274, 315, 333. 20 нинг ИҚ-спектрида: 3422 cm^{-1} (OH), 3171 cm^{-1} (NH), 3081, 2924, 2857 cm^{-1} (Ar), 1700, 1642, 1611 cm^{-1} (C=O) га хос бўлган валент тебранишлари намоён бўлди.

20 ни ¹H ЯМР-спектрида кучсиз соҳада бензол ҳалқасининг ароматик протонлар сигналлари мавжуд: 7.83 м.у. соҳада иккита бир протонли дублет дублет (J=8.1 ва 1.4 Гц) Н-5 протонга, 7.30 м.у. соҳада (J=8.3 ва 1.1 Гц) Н-8 протонга ва 7.19 ва 7.53 м.у. соҳада иккита бир протонли триплет дублет (ҳар бири J=7.2 ва 1.1, 1.5 Гц) Н-6 ва Н-7 протонларга тегишлидир. 5.81 м.у. соҳада Н-3 протоннинг бир протонли синглети жойлашган. Спектрда шунингдек, 4.89 м.у. да метилен гуруҳининг икки протонли синглетини, 11.43 м.у. соҳада NH гуруҳининг бир протонли синглети кўринади, лекин метоксиль гуруҳи протонларининг сигналлари йўқ. Юқоридаги маълумотлар акутинин учун (20) тузилишини таклиф бериш имконини беради. ¹³C ЯМР спектри маълумотлари асосида акутининнинг формуласи тасдиқланди. ¹³C ЯМР ва DEPT умумий спектрлари 11 та углерод атоми: бешта тўртламчи, бешта метин, битта метилен углерод атомларидан иборатлигини кўрсатди. Протонлар билан боғланган углерод атомлари HSQC усули билан аниқланди. Акутинин углерод спектрларини белгилашда HMBC усулидан фойдаланилди (1-жадвал).

1-Жадвал. Акутинин (20) молекуласининг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши, DEPT ва HMBC тажрибаларидан олинган маълумотлар (400 МГц, DMSO-d₆, δ , м.у., J/Гц)

	С атоми	DEPT	δ_C	δ_H (J/Гц)	(H→C) HMBC
	2	C	163.51		
3	CH	98.07		5.81, c	10, 5, 2, 4
4	C	162.02			
5	CH	122.83		7.83, дд, (J=8.1, 1.4)	7, 9, 4
6	CH	121.90		7.19, тд, (J=7.2, 1.1)	10, 9, 8, 5, 7
7	CH	131.56		7.53, тд, (J=7.2, 1.4)	10, 8, 5, 9
8	CH	115.68		7.30, дд, (J=8.1, 1.1)	10, 6, 7, 4
9	C	139.13			
10	C	114.87			
11	CH ₂	65.36		4.89, c	4, 12
12	C	169.50			
NH	-	-		11.43, c	

Шундай қилиб, акутинин 2-((2-оксо-1,2-дигидрохинолин-4-ил)окси)-сирка кислота тузилишга эга бўлган янги табиий хинолин-2-он ҳосиласидир.


Янги акузин алкалоидининг тузилиши

Акузин (**21**) - оқ рангли кристалл асос, суюқланиш ҳарорати 151°C. C₁₃H₁₃NO₄, ESI – MS *m/z* 248.00. **21** нинг ИҚ-спектрида 1748 см⁻¹ (Ar-O-COCH₃) ва 1594 см⁻¹ (Ar) бўлган валент тебранишлари намоён бўлди.

21 нинг ¹H ЯМР спектрида тўртта ароматик протон сигналлари мавжуд. Бунга кўра 5.98 м.у. соҳада бир протонли синглет хинолин-2-онларнинг Н-3 протонига хос, 7.83 м.у. соҳада бир протонли мультиплет Н-5 протонига, 7.14 м.у. ва 7.13 м.у. соҳаларда бир протонли мультиплетлар Н-6 ва Н-7 сигналлари мавжуд. Шунингдек, спектрда 3.87 м.у. да О-СН₃, 3.70 м.у. да N-СН₃ ва 2.32 м.у. соҳаларда Н₃С–С=О гуруҳ сигналларининг борлиги кўринади.

Углерод атомларининг кимёвий силжиш сигналларини аниқлашда акузинни DEPT сигналларининг берган маълумотлари ва хинолин алкалоидларининг адабиёт маълумотлари, хусусан, педицин (**19**) алкалоиди маълумотлари асосида амалга оширдик. Акузиннинг тузилиши ¹³C ЯМР спектрнинг таҳлили билан тасдиқланди. ¹³C ЯМР ва DEPT умумий спектри акузин молекуласида 13 та углерод атомидан иборат олтига тўртламчи, тўртта метин, учта метил углерод атомларидан таркиб топган сигналлар мавжудлигини кўрсатди (2-жадвал).

2-Жадвал. Акузин молекуласи (**21**) нинг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши, DEPT тажриба маълумотлари (400 МГц, CDCl₃, δ, м.у., J/Гц)

	С атоми	DEPT	δ _c	δ _h (J/Гц)
	2	C		164.66
3	CH		96.94	5.98, c
4	C		162.45	
5	CH		126.99	7.83, m
6	CH		122.18	7.14, m
7	CH		121.75	7.13, m
8	C		137.62	
8a	C		133.58	
4a	C		119.50	
9-C=O	C		169.52	
4-O-CH ₃	CH ₃		56.19	3.87, c
N-CH ₃	CH ₃		33.42	3.70, c
C-CH ₃	CH ₃		21.51	2.32, c

Шундай қилиб, акузин спектр маълумотларига кўра, хинолин-2-оннинг ўсимликдан ажратиб олинган янги ҳосиласи бўлиб, у N-метил-8-ацетил-4-метоксихинолин-2-он (**21**) тузилишига эга.

Haplophyllum pedicellatum ўсимлигининг хинолин алкалоидлари

H. pedicellatum ўсимлиги ер устки қисмининг этилацетатли фракциясидан фуранохинолин алкалоидлари - γ-фагарин (**2**), хаплопин (**3**), скиммианин (**5**), робустин (**22**), фолифин (**24**), фуранохинолиннинг модификацияланган ҳосиласи - перфамин (**11**), пиранохинолин-2-он алкалоиди – хапламин (**7**), хаплотусин (**23**), фолипидин (**25**) ва янги алкалоид - педицин (**19**) ажратиб олинди. Педицин (**19**) шунингдек, *Haplophyllum acutifolium* ўсимлигидан ҳам ажратиб олинган.

H. pedicellatum ўсимлигининг ер остки илдиз қисмида алкалоидлар йиғиндиси 0.65% эканлиги аниқланган. Хлороформли йиғиндидан скиммианин

(5), хапламин (7) ва янги алкалоид педилинин (26) ажратиб олинди. Ажратиб олинган маълум алкалоидлар ЮҚХ ва суюқланиш ҳарорати орқали идентификация қилинди.

***Haplophyllum pedicellatum* ўсимлигининг бензинли қисмини бўлиш**

Haplophyllum pedicellatum ўсимлигининг бензинли қисмини хромато-масс маълумотлари таҳлили натижасида, таркиби турли хил чизиқли ва ҳалқасимон тузилишга эга бўлган бирикмалардан иборат эканлиги аниқланган.

Янги педицин алкалоидини тузилиши

Педицин (19) майда кристалл модда, суюқланиш ҳарорати 222-224°C, $C_{12}H_{11}NO_4$, ESI-MS m/z 231.8 [M-1]. 19 асоснинг УБ-спектри (EtOH, λ_{max} , нм): 213, 266, 275, 316, 328. ИҚ-спектри (ν , cm^{-1}): 1651, 1611, 1506 cm^{-1} , 1743 cm^{-1} (C=O) амид карбонили. ^{13}C ЯМР спектридаги углерод C-2 атомининг 163.16 м.у. соҳадаги сигнали билан ҳам тасдиқланган.


Педициннинг тузилиши 1H ва ^{13}C ЯМР спектр маълумотларини таҳлил қилиш, шунингдек узоқ ва қисқа масофали боғланишлари бўйича DEPT ҳамда HETCOR тажрибалари маълумотлари асосида исботланган (3-жадвал).

Педициннинг (19) ПМР спектрида тўртта бир бирига яқин ароматик протонлар: 7.76 м.у. (дд, J=8.1, 1.5 Гц) соҳада H-5; 7.24 м.у. (дд, J=8.3, 1.1 Гц) соҳада H-6, шунингдек 7.14 м.у. (ддд, J=8.1, 7.1, 1.1 Гц) соҳада H-6 ва 7.48 м.у. (ддд, J=8.3, 7.1, 1.5 Гц) соҳада H-7 протонларга тегишли сигналлар мавжудлигини кўрсатади. 5.80 м.у. соҳасида бир протонли синглет жойлашганлиги, 2-хинолон тузилишидаги H-3 протонга хос кимёвий силжишни, шунингдек сигнал бўлинишининг йўқлиги C-4 да протон алмашинганлигини кўрсатади. Спектрда 4.96 м.у. соҳада икки протонли синглет метилен гуруҳи, 3.68 м.у. соҳада уч протонли синглет метокси-гуруҳи борлигини кўрсатади. Ягона протонли кенгайган сигнал 11.40 м.у. да кузатилиб, у ҳароратга қараб ўзгариб турадиган NH гуруҳи ҳисобига ҳосил бўлади.

Бу маълумотлар педицин учун 19 тузилишни таклиф қилиш имконини берди, у ^{13}C ЯМР спектри маълумотлари билан тасдиқланди. Умумий ^{13}C ЯМР ва DEPT спектр маълумотлари 3-жадвалда келтирилган. 19 ни ^{13}C ЯМР спектрида пиридин ҳалқасининг тўртламчи углерод атомлари C-2, C-4, C-9 ва C-10 га тегишли равишда 163.16, 161.48, 138.71, 114.36 м.у. соҳаларда намоён бўлади. Ҳалқадаги C-4 атоми сигналининг (161.48 м.у.) кимёвий силжиши, C-4 атоми кислород атомига боғланганлигини кўрсатади. Метил ва карбонил гуруҳининг жойлашиши HETCORнинг атомларнинг узоқ масофали боғланиши бўйича тажрибалари натижалари билан тасдиқланган (3-жадвал). Спектрда 3.68 м.у. соҳадаги $OSCH_3$ гуруҳи 168.22 м.у. соҳадаги тўртламчи углерод атоми (C-12) билан ўзаро энг юқори кросс-пик беради. Бу шуни кўрсатадики, $OSCH_3$ гуруҳи ён занжирда жойлашган эканлигини кўрсатади. HETCOR спектрида H-11/C-4, C-12; H-3/C-4, C-10 сигналларининг юқори чиқиш чўққиси ҳам кўрсатилган. Бу маълумотлар, ён занжир C-4 да жойлашганлигини белгилайди. Бундан ташқари, гомоциклик ҳалқанинг ароматик протонлари жойлашиши қуйидагича: H-8/C-6; H-5/C-4, C-7 эканлиги аниқланди.

3-Жадвал. Педицинни (19) углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши, DEPT ва HETCOR тажрибаларидан олинган маълумотлари (400 Гц, DMSO-d₆, δ, м.у.)

С атоми	DEPT	δ _C	δ _H	HETCOR (С атоми)
2	C	163.16		
3	CH	97.81	5.80, с	10, 4
4	C	161.48		
5	CH	122.36	7.76, дд, (J=8.1, 1.5)	7, 4
6	CH	121.61	7.14, ддд, (J=8.1, 7.1, 1.1)	
7	CH	131.25	7.48, ддд, (J=8.3, 7.1, 1.5)	
8	CH	115.33	7.24, дд, (J=8.3, 1.1)	6
9	C	138.71		
10	C	114.36		
11	CH ₂	64.89	4.96, с	4, 12
12	C	168.22		
OCH ₃	CH ₃	52.14	3.68, с	12
NH	-	-	11.40	




1-Расм. Педициннинг (19) фазовий тузилиши

Рентген тузилиш таҳлили билан педицин (19) 2-((2-оксо-1,2-дигидрохинолин-4-ил)окси)-сирка кислотанинг метил эфири тузилишига эга хинолин-2-оннинг янги ҳосиласи эканлиги тасдиқланди (1-расм).

Янги педилинин алкалоидини тузилиши

Педилинин (26), оқ рангли кристалл модда. Суюқланиш ҳарорати 199-201°C (ацетон), C₁₇H₂₃NO₄, ESI-MS m/z 305.0 [M-1]. 26 нинг УБ-спектри λ_{max} (EtOH, нм): 250 елка, 259, 287, 313 елка, 325, 340. ИҚ-спектри (ν, см⁻¹): 3330 см⁻¹ (ОН), 1649 см⁻¹ (СО), 1580, 1505 см⁻¹ ютилиш чизиқларини кўрсатади.

Педилининнинг ¹H ЯМР спектрида 7.70 м.у. соҳада бир протонли дублет (J=9.16 Гц) Н-5 протонига, 6.90 м.у. соҳада бир протонли дублет (J=9.09 Гц) Н-6 протонига, 4.03 м.у. соҳада уч протонли синглет 4-ОСН₃ га, 3.06 м.у. соҳада икки протонли мултиплет С-11 га тегишлидир. Шунингдек, спектрда 2.10 м.у. соҳада икки протонли сигналлар С-13 ва 1.81 м.у. соҳада икки протонли сигналлар С-14 га ва 1.20 м.у. соҳада уч протонли мултиплет 12-СН₃ гуруҳга, 1.30 м.у. ва 1.24 м.у. соҳаларда уч протонли синглетлар 16-СН₃ ҳамда 17-СН₃ ларга тегишлидир. NH гуруҳга тегишли бўлган сигнал 10.30 м.у. соҳада кенг синглет кўринишда ҳосил бўлади.



Шундай қилиб, педилинин спектр маълумотларига кўра тахминан юқоридаги **26** тузилишга эга янги хинолин-2-он ҳосиласи бўлиб, ўсимликдан биринчи марта ажратиб олинди.

Скиммианин асосида синтез қилинган янги ҳосилалар


Кўп табиий ва синтетик доривор препаратларнинг асосида хинолин скелети ётади. Скиммианиннинг мавжудлиги ва уни кимёвий ўзгартириш имконияти – хинолин қисми бўлган мураккаб кўп функцияли гетероциклик бирикмаларни олишнинг энг қисқа усулидир. Алмашилан хинолин молекуласига азот сақловчи фармакофор гуруҳларни қўшимча киритишнинг энг оддий усули – асосий бирикма 3-формил-4,7,8-триметоксихинолин-2-оннинг (**27**) синтези бўлиб, у кейинги гетероциклизация реакциялари олиб бориш учун истиқболли асос бўлиши мумкин. Скиммианин (**5**) ни KMnO_4 нинг ацетондаги эритмасида оксидланганда 3-формил-4,7,8-триметоксихинолин-2-он, яъни скиммианаль (**27**) олинди.

Эквимолляр миқдордаги альдегид **27** ва 3,4-диметоксифенилэтиламин (**28**) Дин-Старк насадкаси ёрдамида бензолда қайнатилганда конденсация мос равишда 85.6 ва 6.7 % унум билан **29** ва **30** маҳсулотларнинг аралашмаси ҳосил бўлишига олиб келди, биз мақсад қилган маҳсулот **A** эса ҳосил бўлмади. Амин **28** нинг икки эквивалентидан фойдаланиш маҳсулот **30** унумини 46.6% гача ва **29** маҳсулотнинг унумини 38.2% гача камайтиришига олиб келди. Олинган натижалар каскад реакцияси кетиш эҳтимолини кўрсатади - бу ипсо-алмашилиш ва Шифф **30** асосининг ҳосил бўлишидир. **27** ва **28** дан эквимолляр миқдорда фойдаланилганда реакция Шифф **30** асоси ва бирикма **27** нинг С-4 даги метокси гуруҳининг бирламчи амин **28** билан нуклеофил алмашилиш маҳсулот **29** га олиб келиши билан тугайди.

Кейин бирламчи амин **28** нинг **29** ни карбонил гуруҳи бўйича элиминирланишидан сув чиқиши билан кетадиган нуклеофил алмашилиш азометин фрагменти сақлаган амин (**30**) ҳосил бўлишига олиб келади. Ушбу талқиндаги реакция аралашмасининг мақсадли енамин 3-(3,4-диметоксифенилэтилимин)-4,7,8-триметоксихинолин-2-он (**A**) ҳосил бўлмаслигини кўрсатади.

Нуклеофил ипсо-алмашилиш йўли билан **29** маҳсулотни олиш эҳтимоли кўпроқ. Аммо, бу жараён икки босқичли кетиши натижасида **29** ҳосил бўлиш эҳтимолини истисно этмайди, бунда биринчи босқичда метил гуруҳининг С-4 да деметилланиши 4-гидрокси-нормаҳсулот **B** ҳосил бўлиши билан содир бўлади, кейинчалик амин **28** билан таъсирлашади, яъни аналог бўйича глутакон альдегиди бирламчи ароматик амин билан ўзаро таъсирлашади.

Шундай қилиб, формил гуруҳининг мавжудлиги ипсо-алмашилишга таъсир қилади. **29**-Бирикманинг гомовератриламин фрагментини изохинолин ҳалқасига классик Манних усули (спиртли эритмада, формалин, бир неча томчи HCl) билан бириктирилганда турли хил ҳосилалар олинган. Маълум бўлишича, иккиламчи амин **29** етарлича фаолликка эга эмас ва реакция жараёнида иккиламчи амина гуруҳнинг формальдегид билан конденсацияси бормайди, аммо электрофил ипсо-алмашилиш натижасида маҳсулот **31** ҳосил бўлади.



i) 6-метилурацил, CH_2O , HCl , $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$, 78°C , 5 соат (74.0%).

iii) HCl , $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$, 78°C , 5 соат (78.4%).


ii) CH_2O , HCl , $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$, 78°C , 5 соат (75.1%).

Худди шунга ўхшаш элиминирланиш **29** моддани HCl (pH 3) билан спиртда қиздириш жараёнида кузатилди. Амин **29** нинг формальдегид билан ўзаро таъсир этмаслигининг ва кейинчалик циклланиш жараёни кетишининг энг асосий сабаби – бу кучли водород боғланиш борлиги (3146 см^{-1} да ютилиш чизиқлари) ҳисобига молекулалараро хелат бирикманинг ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

Синтез қилинган бирикмаларнинг тузилишини ИҚ-, ^1H ЯМР ва масс-спектрал усуллар ёрдамида ўрганилди. **29** ва **30** бирикма ҳосилаларининг ИҚ-спектрида (ν , см^{-1}): $1600\text{--}1638\text{ см}^{-1}$ (CO), $3422\text{--}3396\text{ см}^{-1}$ (NH) соҳаларда характерли бўлган интенсив тебраниш кузатилади.

27 нинг ^1H ЯМР спектрида 6.89 м.у. (1H, д, $J=9.1$, H-5), 7.72 м.у. (1H, д, $J=9.1$, H-6) соҳаларида ароматик протонларнинг сигналлари мавжуд. 10.30 м.у. соҳада бир протонли синглет, унинг кимёвий силжиши 9-CHO га хосдир, ушбу сигналда бўлинишнинг йўқлиги C-2 ва C-4 да алмашилиш мавжудлигини кўрсатади. Метокси гуруҳларининг протонлари 3.89 м.у. (6H, с, 7, 8-OCH₃), 3.95 м.у. (3H, с, 4-OCH₃) да сигналлар беради.

29 модданинг ПМР спектри 8.48 м.у. да амина гуруҳларнинг битта протонли синглет (NH-1) ва 11.79 м.у. соҳасида триплет (NH-4) сигналлари борлиги, шунингдек 10.18 м.у. соҳасида альдегид протони (9-CHO) сигналлари мавжудлиги билан характерланади. Охириги **31** бирикманинг спектрида альдегид протонига тегишли сигнал йўқ. Аммо 5.52 м.у. соҳасида кимёвий силжиши H-3 га хос бўлган бир протонли синглет пайдо бўлади. **30** модданинг ^1H ЯМР спектрида NH-4 ни протон сигналлари (12.34 м.у., т, $J = 3.3$ Гц) **29** модда спектридагига нисбатан кучсиз соҳага силжийди.



2-Расм. 31-Модданинг кристалдаги тузилиши

31 бирикма (4-(3,4-диметоксифенилэтиламин)-7,8-диметоксихинолин-2-он) нинг тузилишини ишончли тарзда исботлаш учун РТТ амалга оширилди (2-расм). **31** ацетон молекуласи билан 1:1 нисбатда сольват ҳолида кристалланади. Тузилиши ўхшаш хинолин-2-он қатори бирикмалар таркибидаги фаол С4-NH-гуруҳ одатда эритувчининг сольват молекуласи билан боғланади. Бинобарин, **31** кристаллида сольват ҳосил қилувчи ацетон молекуласи Ван-дер-ваальс кучларининг ўзаро таъсирлари масофасида жойлашган.

Реакция маҳсулотларининг суюқланиш ҳароратларини таққослайдиган бўлсак (4-жадвал), модда молекуласида оддий эфир боғларининг кўпайиши билан суюқланиш ҳароратларининг қуйидаги қаторда (**27-29-30**) пасайиб бориши кузатилди. **29** ва **30** моддалар тузилишидаги асосий фарқ, **29** да альдегид гуруҳининг мавжудлиги ҳисобига ички молекуляр водород боғланиш бўлишидир. Шу сабабли **29** нинг суюқланиш ҳарорати **30** га нисбатан юқори бўлади. **31** моддага ўтганда эса суюқланиш ҳарорати ортганлигини кўриш мумкин, сабаби модданинг молекулалараро водород боғланиш ҳосил қилганлигидир. Буни РТТда ҳам кўриш мумкин (2-расм).

4-Жадвал. Модификация маҳсулотларининг физикавий хоссалари

№	Номи	Брутто формуласи	Суюқ. ҳар.	R _f (*1-сис)	Реакция унуми %	Агрегат ҳолати
27	3-Формил-4,7,8-триметоксихинолин-2-он	C ₁₃ H ₁₄ NO ₅	238-242°	0.79	30.5	Сарик кукун
29	3-Формил-4-(3,4-диметоксифенилэтиламино)-7,8-диметоксихинолин-2-он	C ₂₂ H ₂₅ N ₂ O ₆	220-222°	0.65	85.6	Оқ кристалл
30	3-(3,4-Диметоксифенил-этилимино)-4-(3,4-диметоксифенилэтиламино)-7,8-диметоксихинолин-2-он	C ₃₂ H ₃₈ N ₃ O ₇	204-206°	0.25	6.7	Оқ кристалл
31	4-(3,4-Диметоксифенилэтиламино)-7,8-диметоксихинолин-2-он	C ₂₁ H ₂₅ N ₂ O ₅	232-234°	0.54	78.4	Оқ кристалл

*1. толуол-этилацетат-сирка кислота 5:4:1;

5-Жадвал. 3-Формил-4,7,8-триметоксихинолин-2-он (27) ни углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши ва DEPT тажриба маълумотлари (400 МГц, CDCl₃, δ, м.у., J/Гц)

С атом	DEPT	δ _C	δ _H (J/Гц)
1	2	3	4
2	C	170.5	
3	C	110.7	
4	C	155.9	
5	CH	121.9	6.89 д, (J=9.1)

5-Жадвал (давоми)

С атом	DEPT	δ_c	δ_H (J/Гц)
1	2	3	4
6	CH	108.6	7.72 д, (J=9.1)
7	C	134.2	
8	C	119.5	
9-CHO	C	189.9	10.30, с
10	C	108.7	
8a	C	111.4	
4a	C	94.1	
4-OCH ₃	CH ₃	60.9	4.01, с
7-OCH ₃	CH ₃	63.2	
8-OCH ₃	CH ₃	64.6	
			3.89, с
			3.95, с

6-Жадвал. 3-Формил-4-(3,4-диметоксифенилэтиламино)-7,8-диметоксихинолин-2-он (29) нинг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши ва DEPT тажриба маълумотлари (400 МГц, CDCl₃, δ , м.у., J/Гц)

С атом	DEPT	δ_c	δ_H (J/Гц)	С атом	DEPT	δ_c	δ_H (J/Гц)
2	C	163.7		1'	C	130.3	6.78 тўсилган
3	C	108.4		2'	C	111.6	
4	C	134.0		3'	C	149.3	
5	CH	124.7	66.6 д, (J=9.4)	4'	C	148.3	6.78 тўсилган
6	CH	106.3	7.74 д, (J=9.4)	5'	C	112.4	
7	C	154.8	10.18, с	6'	C	121.1	6.78 тўсилган
8	C	159.6		7	C	56.3	3.80, с
9-CHO	C	191.5		3'-OCH ₃	CH ₃	56.1	
10	C	101.3		4'-OCH ₃	CH ₃	56.2	3.83, с
8a	C	136.4	α	CH ₂	50.3	2.99 т, (J=7.0)	
3'	C	56.3	β	CH ₂	36.6	3.97 дд, (J=4.8, 7.0, 11.8)	
4'	C	61.1	3.85, с	NH-1	-	-	8.48, с
7-OCH ₃	CH ₃	62.0					
8-OCH ₃	CH ₃	63.8					

7-Жадвал. 3-(3,4-Диметоксифенилэтилимино)-4-(3,4-диметоксифенилэтиламино)-7,8-диметоксихинолин-2-он (30) нинг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши ва DEPT тажриба маълумотлари (400 МГц, CDCl₃, δ , м.у., J/Гц)

С атом	DEPT	δ_c	δ_H (J/Гц)	С атом	DEPT	δ_c	δ_H (J/Гц)
2	C	163.2		2'	CH	111.5	6.79 д, (J=2.0)
3	C	109.7		2''	CH	111.4	6.69 тўсилган
4	C	133.8		3'	C	149.2	
5	CH	123.3	6.63 д, (J=9.3)	3''	C	148.9	6.76 д, (J=8.1)
6	CH	106.0	7.70 д, (J=9.3)	4'	C	148.0	
7	C	153.2	4.00, с	4''	C	147.5	6.69 тўсилган
8	C	98.1		5'	CH	112.4	
9	C	134.6		5''	CH	112.2	6.67 дд (J=1.8, 8.1)
10	C	106.3		6'	CH	120.9	6.69 тўсилган
4-OCH ₃	CH ₃	62.4	3.79, с	6''	CH	120.8	6.69 тўсилган
4'-OCH ₃	CH ₃	56.2	3.85, с	7-OCH ₃	CH ₃	61.0	3.80, с
4''-OCH ₃	CH ₃	56.3	3.81, с	8-OCH ₃	CH ₃	98.1	3.80, с
3-OCH ₃	CH ₃	56.1	3.72, с	α	CH ₂	56.0	2.76, м
3'-OCH ₃	CH ₃	56.1	3.87, с	α'	CH ₂	50.1	2.76, м
3''-OCH ₃	CH ₃	56.2	8.92, с	β	CH ₂	38.2	3.90, м
3-C=N	CH	161.5	8.47, с	β'	CH ₂	36.7	3.90, м
1'	C	133.0		NH-1	-	-	-
1''	C	131.2		NH	-	-	-
							12.34 т, (J=3.3)

8-Жадвал. 4-(3,4-Диметокси-фенилэтиламино)-7,8-диметоксихинолин-2-он (31) нинг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши ва DEPT тажриба маълумотлари (400 МГц, CDCl₃, δ, м.у., J/Гц)

С атом	DEPT	δ _с	δ _н (J/Гц)
2	C	164.1	
3	CH	90.6	5.52 д, (J=1.3)
4	C	133.3	
5	CH	120.8	6.68 д, (J=9.1)
6	CH	106.7	6.97 д, (J=9.1)
7	C	151.6	
8	C	152.9	
9	C	134.2	
10	C	108.9	
1'	C	130.9	
2'	CH	111.6	6.65 д, (J=1.9)
3'	C	149.3	
4'	C	148.0	
5'	CH	111.9	6.77 д, (J=8.2)
6'	CH	115.9	6.71 дд, (J=2.0, 8.2)
7-OCH ₃	CH ₃	56.3	3.80, с
8-OCH ₃	CH ₃	61.1	3.76, с
3'-OCH ₃	CH ₃	56.0	3.85, с
4'-OCH ₃	CH ₃	56.1	3.86, с
α	CH ₂	44.2	2.89 т, (J=6.8)
β	CH ₂	34.1	3.43 кв, (J=6.6)
NH-1	-	-	8.51, с
NH	-	-	4.83 т, (J=5.6)

***Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicellatum* ўсимликларидан ажратиб олинган хинолин алкалоидларининг биологик фаоллиги**

Адабиёт маълумотлари ва PASS дастури натижаларидан келиб чиққан ҳолда *Haplophyllum acutifolium* ўсимлигининг спиртли экстракти ва улардан ажратиб олинган хинолин-2-он тузилишдаги алкалоидларнинг *in vitro* усулида микробларга қарши фаоллиги баъзи грам-мусбат - *Bacillus subtilis*, *Staphylococcus aureus* ва грам-манфий *Pseudomonas aeruginosa*, *Escherichia coli* бактерия штаммларида, шунингдек *Candida albicans*, *Escherichia coli* бактерия штаммларида, ҳамда *Candida albicans* замбуруғида текшириб кўрилди. Натижада *Haplophyllum acutifolium* ўсимлиги экстракти ва ундан ажратиб олинган бирикмаларга нисбатан асосан грам-мусбат бактерия штаммлари сезгирлик намоён этиб, ўсимликдан олинган спиртли экстракт ва ақузин *B. subtilis*, *S. aureus* штаммларига нисбатан энг фаол бактерияларга қарши таъсир кўрсатди.

Haplophyllum acutifolium ўсимлигидан ажратиб олинган моддаларнинг цитотоксик фаоллиги 2 турдаги саратон хужайралари: HeLa - бачадон бўйни эпителиал карциномаси ва Нер-2 - ҳиқилдоқ аденокарциномаси хужайра линияларида, шунингдек, соғлом - фибробласт хужайра культураларида текширилганда ақузин ва педицин бирикмалари 100 мМ концентрацияда ингибирловчи фаолликни намоён этади, яъни, назорат (цисплатин) билан солиштирилганда мос равишда, HeLa 49.2 ва 44.7%, Нер-2 эса 57.2 ва 23.2% хужайраларнинг ўсишини тўхтатади. Ушбу моддаларнинг фибробласт

хужайраларига нисбатан токсик таъсирига келадиган бўлсак, мазкур концентрация доирасида фақат педицин намунаси саратон хужайраларига нисбатан 19% дан камроқ фибробласт хужайраларининг нобуд бўлишига олиб келади.

Мана шу тадқиқотлар *Haplophyllum acutifolium* ўсимлиги антимикроб ва цитотоксик фаол бирикмалар сақлашини кўрсатиб, олинган натижалар кейинги тадқиқотлар давомида бактерия, замбуруғ ва саратон хужайраларига нисбатан фаоллиги юқори, организмнинг нормал хужайраларига нисбатан эса заҳарлиги кам бўлган моддаларни излаб топишга хизмат қилиши мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Республикамизда ўсувчи *Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicelletum* ўсимликларидан илк бор 26 та хинолин алкалоидларини ажратиб олишнинг мақбул усуллари ишлаб чиқилган ва уларнинг тузилиши замонавий физик-тадқиқот усуллари ёрдамида тавсия этилган.

2. *Haplophyllum acutifolium* ва *Haplophyllum pedicelletum* ўсимликларидан 4 та янги хинолин-2-он алкалоидлари – педицин, акутинин, акузин, педилинин ажратиб олинган, ҳамда уларнинг кимёвий ва фазовий тузилиши физик тадқиқот (УБ-, ИҚ-, ^1H , ^{13}C ЯМР спектроскопия ва РТТ) усуллари асосида исботланган.

3. Биринчи марта 3-формил-4,7,8-триметоксихинолин-2-оннинг гомовератриламин билан реакцияси турли шароитларда олиб борилган, реакция йўналишларига ҳамда унумига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва нуклеофил *inco*-алмашилиш маҳсулоти ёки азометин фрагментли гибрид аминокбирикма синтез қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган.

4. Биринчи мартаба скиммианин алкалоиди асосида 3 та янги хинолин ҳосилаларини мақсадли синтез усуллари ишлаб чиқилган ва реакциялар йўналишига таъсир этувчи омиллар аниқланган.

5. *Haplophyllum acutifolium* ўсимлигининг спиртли экстракти ва янги педицин, акутинин, акузин алкалоидларининг кам заҳарли ҳамда цитотоксик ва бактерияларга қарши фаолликларни намоён этиши аниқланган.

6. Ишлаб чиқилган экстракция, хроматография, синтез ва модификация усуллари, реакция механизмлари, халқаро Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган 3 та янги алкалоиднинг РТТ натижалари назарий ҳамда амалий органик ва биоорганик кимёда қўллаш учун тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ЭШОНОВ МУБАШШИРХОН АБДУРАШИДОВИЧ

**АЛКАЛОИДЫ РАСТЕНИЙ *НАРЛОПХУЛЛУМ*
АСУТИФОЛИУМ И *НАРЛОПХУЛЛУМ ПЕДИСЕЛЛАТУМ***

(02.00.10 – Биоорганическая химия)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/K263

Работа выполнена в Институте химии растительных веществ АН РУз

Автореферат диссертации на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uzicps.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель

Расулова Халида Абдулхаевна
кандидат химических наук

Официальные оппоненты:

Гафуров Махмуджон Бакиевич
доктор химических наук, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
доктор химических наук

Ведущая организация:

Ташкентский фармацевтический институт

Защита состоится «_____» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc 02/30.01.2020.K/T.104.01 при Институте химии растительных веществ АН РУз (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48) e-mail: plant_inst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ АН РУз (регистрационный номер № _____) (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13; факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru)

Автореферат диссертации разослан: «_____» _____ 2022 года

(реестр протокола рассылки _____ от «_____» _____ 2022 года

Ш.Ш. Сагдуллаев

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.К. Хидирова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.х.н.

Э.Х. Ботиров

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире проводится множество исследований по выделению из растений высоко физиологически активных веществ, определению их физико-химических свойств и фармакологической активности, а также их применению на практике. С древних времен растения, содержащие алкалоиды, занимали особое место в медицине. Возрастающий спрос на натуральные фитопрепараты в современной медицине свидетельствует о том, что их негативное воздействие на организм незначительно. Поэтому важно определить физико-химические свойства физиологически активных хинолиновых алкалоидов в местных растениях и разработать на их основе для профилактики различных заболеваний лечебных и малотоксичных препаратов.

Во всем мире при лечении разных заболеваний используются препараты на основе алкалоидов хинолиновой структуры, выпускаемые под торговыми марками как мефлохин, плаквенил, гидроксихлорохин, немозол, пирантел, иммард, цилостазол, гатифлоксацин, ципрофлоксацин, лемофлоксацин, бозулиф, хлорохин, нуперкаинал, проктол, проктоседил. Это привело к росту интереса к хинолиновым алкалоидам, поиску растений, содержащих хинолиновые алкалоиды, и изучению их химического состава. Примером таких видов являются растения рода *Haplophyllum*. Растения рода *Haplophyllum* A. Juss (местное название - тошбақатол, рус. - цельнолистник), относящиеся к семейству *Rutaceae*, произрастают в Средней Азии, в частности, *Haplophyllum acutifolium* и *Haplophyllum pedicellatum*, которые богаты хинолиновыми алкалоидами с разнообразным строением, зависящим от места произрастания и обладающие различной фармакологической активностью, и, стоит отметить, что они недостаточно изучены.

В нашей стране принимаются комплексные меры по созданию импортозамещающих препаратов на основе местных лекарственных растений, по обеспечению населения качественными лекарствами. В частности, учеными Института химии растительных веществ внедрены следующие препараты на основе алкалоидов: «Аллапинин», «Галантамин», «Цитизин». В настоящее время на основе алкалоида хинолина ведутся научные исследования по разработке нового препарата «Скиммианин». В 4-направлении Стратегии развития Республики Узбекистан изложены важные задачи по «реализации мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими, высококачественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями, недопущению необоснованного роста цен на лекарства»¹. В реализации поставленных задач имеет дальнейшее ускорение работ по поиску богатых источников биологически активных соединений,

¹ Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах».

установлению их химического состава, разработке лекарственных средств на их основе и созданию новых эффективных лекарственных препаратов из местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе и Постановлениях Президента Республики Узбекистан №УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отрасли», от 12 августа 2020 года ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология», от 13 февраля 2021 года ПП-4992 «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью», а также в других нормативных - правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология» и VII «Химическая технология и нанотехнология».

